

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**«Ўзбекгеофизика» АЖ**

Бошқарув раиси

Р.А.Юсупжонов

2022 йил «04» Август

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ УЧУН  
ХАРИД ҲУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, “Алишеробод” М.Ф.Й., Миллий боғ кўчасида  
жойлашган қурилиши тугалланмаган 4 қаватли 8 хонадон 46 уйнинг қурилиш ишларини  
давом эттириш

**Буюртмачи: “Ўзбекгеофизика” АЖ**

Тошкент-2022

## **МАЗМУНИ**

- I. Танлаш иштирокчиси учун кўрсатма
- II. Танлашнинг нарх қисми
- III. Танлашнинг техник қисми
- IV. Шартнома лойиҳаси

- 1 Умумий қоидалар**
- 1.1 Ушбу харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ–684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Бошланғич нарх энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотда кўрсатилган. Таклифларда кўрсатилган нархлар бошланғич нархдан ошмаслиги керак.
- 2 Танлаш ташкилотчилари**
- 2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш) буюртмачиси “Ўзбекгеофизика” АЖ (бундан буён – Буюртмачи) ҳисобланади.  
Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Геофизика МФЙ, Буюк келажак кўчаси 5-уй.  
Буюртмачи реквизити: ИНН: 201 577 724, ОКЭД: 71120  
Банк: АКБ “Савдогар” МФО: 00439  
Ҳисоб рақами: 20210000400495026001
- 2.2 Буюртмачи билан боғланиш учун масъул шахс:  
СКМ ва Б бўлими бошлиғи Маҳмудов Ф.И.  
Тел: +99897 449-02-52, e-mail: taminot@uzbekgeofizika.uz  
тел:(71) 286-84-94
- 2.3 Ишчи орган “Ўзбекгеофизика” АЖнинг СКМ ва Б бўлими (бундан буён – “Ишчи орган”)
- 2.4 Танлаш, камида беш кишидан иборат харид комиссияси томонидан амалга оширилади.
- 3 Танлаш иштирокчилари**
- 3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларида қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу ҳужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш ҳужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.
- 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак.
- 4 Танлашни ўтказиш тартиби**
- 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт.
- 4.2 Қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:
- зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
  - қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 29 августдаги 01-02/15-42-сонли ва 2020 йил 6 сентябрдаги 2020-34-сонли, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Кенгашининг 2013 йил 5 апрелдаги 2013-7 ва 2020 йил 5 сентябрдаги 20/1-сонли, 01-02/19-22, 7/4-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 12 июнда 2467-сон билан рўйхатдан ўтказилган ва 2020 йил 12 октябрда 2467-3-сон билан ўзгартириш ва қўшимча қилинган) қарорларига мувофиқ рўйхат бўйича имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобрақамлари бўлган;
- харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган;
- таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

4.3 Буюртмачи куйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:

- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир ҳатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
- иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

**5 Танлаш тили, ўлчов бирликлари**

5.1 Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга рус ёки ўзбек тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофиқликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қилади.

5.2 Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.

**6 Таклиф ва уни**

6.1 Иштирокчилар таклифни махсус ахборот порталида

<b>расмийлаштириш тартиби</b>	(бундан буён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича электрон шаклда юборадилар.
	<p>6.2 Танлаш иштирокчиси:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир;</li> <li>- фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли;</li> <li>- тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.</li> </ul> <p>6.3 <b>Таклиф ва барча ҳужжатлар электрон шаклда МАПга тақдим этилади.</b></p> <p>6.4 Таклиф МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.</p> <p>6.5 Иштирокчиларнинг таклифлари амал қилиш муддати таклифни тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида <b>30 кун</b> бўлиши керак.</p>
<b>7 Таклиф тақдим этиш муддатини узайтириш</b>	<p>7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.</p> <p>7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур ҳолларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.</p>
<b>8 Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш</b>	<p>8.1 Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.</p> <p>Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади.</p> <p>Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.</p> <p>Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.</p>
<b>9 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари</b>	<p>9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн иш кун и мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.</p> <p>9.2 Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.</p> <p>9.3 Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.</p> <p>9.4 Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш МАП эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.</p>

**10 Танлаш ғолибини аниқлаш**

- 9.5 Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
- 9.6 Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
- 9.7 Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
- 9.8 Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари махсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.
- 9.9 Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.
- 9.12 Хорижий ва маҳаллий Танлаш иштирокчилари нархларини тўғри таққослаш учун баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинади. Бундан ташқари, агар бошланғич нархи хорижий валютада кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегишли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисобга олинган ҳолда ҳам қайта ҳисоблаб чиқилади.
- 10.1 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 10.2 Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнида танлаш иштирокчиларидан эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул

- қилади.  
Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.
- 10.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш ҳуқуқига эга.
- 11 **Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиниши**
- 11.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган махфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклини ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.
- 11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.
- 11.3 Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.
- 12 **Бошқа шартлар**
- 12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.
- 12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳуқуқига эга.
- 12.3 Танлаш қуйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ўтказилмаган деб топилиши мумкин:  
- танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;  
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
- 12.4 Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини МАПда эълон қилади.
- 13 **Шартнома тузиш**
- 13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартнома шартлари асосида тузилади.  
Шу билан бирга, харид қилиш ҳужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси **яқуний эмас** ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш ҳужжатларига зид бўлмаган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 13.2 Буюртмачи ва Танлаш ғолиби, ғолиб эълон қилинган пайтдан эътиборан **10 (ўн) иш куни** ичида шартнома тузишлари лозим. Томонлар келишувига кўра, танлаш

шартларини бажариш ҳолатларини аниқлаштириш учун муҳокама вақтида шартнома тузиш муддати ўзгариши мумкин.

- 13.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
- 13.4 Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

#### **Танлашнинг техник қисми**

Танлаш предметининг Техник қисми бўйича маълумотлар мазкур Танлаш ҳужжатларига илова қилинган Техник топшириқномада келтирилган.

#### **Танлашнинг нарх қисми**

Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар чегаравий нархдан ошмаслиги керак ва кейинчалик ўзгартирилиши мумкин эмас.

1	Ишнинг (хизматлар) чегараланган умумий қиймати	1 203 232 008 Бир миллиард икки юз уч миллион икки юз ўттиз икки минг саккиз сўм ҚҚС билан бирга
2	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари
3	Тўлов шартлари	Тўлов факт бўйича бажарилган ишлар далолатномасига мувофиқ амалга оширилади
4	Тўлов валютаси	UZS- Ўзбекистон Республикаси сўми